

«ШАЙХ САНЪОН»

(КАЛИЗЕЙ БИНОСИ, 29 МАЙ)

«... Шайх Санъон бўлмасанг

Бўйнингда зунноринг галат!»

Бизга Шайх Санъон кўбдан бери таниш.

Уни бизнинг сўфийларимиз кўбдан билалар. Юкоридаги бир йўл сўфийлик газали ҳам эскирак замон китобларида бордир.

Санъон Мадинада тарбия топкан бир сўфий, бир шайх эди. Тарикат ёймок учун бўлса керак, Гуржистонга келади. Унда бир гўзал гуржи кизини кўруб ошик бўлди. Шунинг билан унинг тарикатида, шариатида ул киздан иборат бўлди. Санъон киз учун ўзининг энг мукаддас эътикодларини бархам берганда ҳам юзаки ишонишлардан — захарлик кулуш билан кулар эди. У шу ишларнинг хаммасини «хакикат» учун, тарикатдан, шариатдан, сўфийлик, зохидликдан юкори ва юксак бўлгон бир хакикат учун ишлаган эди. Юзаки кўрунуш, риёкор ибодатлар ўрнига «хакикат излаш» келгандан сўнг Санъон куфр лаънат тошларидан курук колмади. Юзаки карагучи таассуб шайтонлари, истаклари кадар сўкуб каргадилар!

Шу шайхнинг хаётини театр усулида жонлантургон Хусайн Жовид, Кофкасия туркларининг кувватли адиб ва шоирлари (дан — У. С) Хусайн Жовид, шайхга, меним онглашимча, бир ошик, бир мухлис эди. Шу ишк кайноклиги натижасида 9 манзаралик

шеър билан ёзилгон мукаммал адабий, фалсафий бир асар майдонга чиккон.

Унда шу «зуннор билан богли бўлгон» Шайх Санъоннинг рухий холатлари, жиннилик хаёти тўла кўрсатилган.

Хуршид ўртокнинг таржимаси ортик мактарлик эмас. Бизда хали эътироф килайлик — бундай зўр адабий асарларни «ўзбекчалашдира» тургон тўла бир куч йўк. У холда, таржима ортик яхши бўлмаса ҳам ярарлик, бўларликдир.

Факат асарнинг жойланиши (постановкаси) учун кимматли Уйгуримиз кўб тиришкон. Бутун хайъати билан 11 кишидан иборат бўлгон кора бахтли бир театр тўдаси билан, тўдага беш-ўн баробар келатургон кучини четдан тортиб, шу кадар текис ва эркин чикориш катта муваффакият. «Кализей»дек аждахо бир сахнада «Шайх Санъон»дек огир ва куч талаб эткан бир асарни жонландириш ўзбек театрининг чин ошиклари бор эканлигига далил.

Ўюн — умуман олгонда — текис чикди. Айникса, Шайх Санъон яхши эди. Биринчи пардада Шайх Кабир вазифасини усталик билан бажарган Босит масъулиятлик дарвиш вазифасида кутган ўюнимизни кўрсата олмади. Бошка вазифаларга тўкталиб ўлтурмайман. Улар ўюннинг кетишида бир мунча камчиликлари билан бирга текис эдилар.

Ўюннинг ўзи ҳам вактида бошланиб, вактида битди. Халк жуда севинган эди. Сўнг пардаларнинг бирида Уйгур ўрток айрим олқишланиб, тўда исмидан унга бир олтун соат совга килинди. Халк кўб, «Кализей» биноти тўлгон, унум яхши, айникса фахрий жойларни сотишда кечанинг масъул мудир Мирза Кодир ўрток Кушбегийефнинг жиддий ташаббуси бўлгонлиги кўрулди. Шундай унумлик томошалар биландирким, ягона бир театру тўдамиз ўлуб колмасдан, яшаб келадир.

Шайх Санъон — «Туркистон», 1923 йил 6 июнь.

«*Колизей*» — Тошкентнинг янги шаҳар қисмида қурилган, театр ҳамда концертлар учун мослаштирилган бинога Қадим Римдаги машҳур амфитеатр номини берилаган (колизей — лотинча, улкан). Инкилобдан кейин бу бинода ўзбек театрининг айрим постановкалари қўйилган. Кейинроқ бу бино Свердлов номи концерт залига айлантирилган.